



ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ИЖТИМОИЙ ОНГ: МАТНАЗАР
АБДУЛҲАКИМНИНГ "ЖАЛОЛИДДИН" ШЕЪРИ СОЦИОЛОГИК МЕТОД
КЎЗГУСИДА

Жумаев Зафар Ҳамдамович

Илмий раҳбар, филология фанлари номзоди

Рўзимуродов Маруфжон Исоқ ўғли

Навоий давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши

магистранти rozimurodovmarufjon@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада таниқли ўзбек шоири Матназар Абдулҳакимнинг "Жалолiddин" шеъри адабиётшуносликнинг социологик методи асосида таҳлил қилинади. Мақолада асарнинг яратилиш давридаги ижтимоий-сиёсий муҳит, санъаткор ва жамият муносабатлари, шунингдек, шеърдаги тарихий шахс образи орқали халқ ижтимоий онгидаги ўзгаришлар ва миллий ўзликни англаш жараёнлари ёритилган.

Калит сўзлар: Социологик метод, Матназар Абдулҳаким, Жалолiddин Мангуберди, ижтимоий онг, миллий ўзлик, тарихий хотира, адабиёт ва жамият.

Адабиёт социологияси (социологик метод) бадий асарни шунчаки эстетик феномен эмас, балки муайян ижтимоий муҳитнинг маҳсули ва жамият онгини шакллантирувчи омил сифатида ўрганади. Таниқли адабиётшуносларим Баҳодир Каримов бу метод ҳақида шундай ёзади: "Социологик метод адабиётшуносликда жуда кенг қўлланадиган илмий тадқиқот усуллари билан бирдир. Бу метод негизида бадий адабиётга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш етакчилик қилади. Адабиётни бу метод воситасида тадқиқ этишда асосан жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни, маданий муҳит, адабий-тарихий шарт-шароитни инобатга олиш ҳоллари муҳим саналади"¹.

Матназар Абдулҳаким XX асрнинг охири — XXI аср бошларида ижод қилган, ўзбек ижтимоий тафаккури янгиланиш даврини бошидан кечираётган пайтда яшаган шоирдир. Унинг "Жалолiddин" шеъри фақатгина тарихий сиймо ҳақидаги лирик асар эмас, балки мустамлакачилик занжирларидан узилиб, ўз миллий қаҳрамонларини қайта кашф этаётган жамиятнинг ички эҳтиёжи маҳсулидир. Шўролар даври мафкуриси маҳаллий халқларнинг миллий қаҳрамонларини, айниқса, хорижий босқинчиларга (мўғулларга) қарши мардонавор курашган Жалолiddин Мангуберди каби сиймоларни ижтимоий онгдан ўчиришга ҳаракат қилди. Мустақиллик арафаси ва ундан кейинги давр интернет манбалари ва адабий жараён таҳлиллари кўрсатадики, жамиятда миллий ўзликни англашга бўлган ижтимоий буюртма юзага келди.

¹ Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. — Тошкент, 2011. 30-бет.



Матназар Абдулҳаким ана шу эҳтиёжга жавобни поэзияда ифодалади. Негаки, Белинский таъкидлаганидек: "Поэзия ҳаёт ифодасидир ёки янада тўғрироғи, ҳаётнинг ўзидир. Бугина эмас, поэзияда ҳаёт чинакам воқеликдан кўра ҳам ҳаётийроқ намоён бўлади"².

Шеърнинг биринчи бандида урушнинг ижтимоий оқибатлари даҳшатли метафоралар орқали берилган:

“Наҳот, энди боғлар сўлади,
Ариқларда, наҳот, оқар қон.
Шаҳидларга майдон тўладир,
Қўзгунларга тўладир осмон”.

Социологик нуқтаи назардан, бу халқ бошига тушган ижтимоий катастрофа (офат) тасвиридир.

Шоир ушбу шеърда жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжга жавоб беради. Шеърдаги:

“Унутмайман ёт тупроғида
Хоразмнинг кўзёш, хунларин.
Мен соғиндим, қаттиқ соғиндим
Жайхунимнинг ўз тошқинларин”.

сатрлари ижтимоий хотирани тиклашга, жамиятни ўз ўтмиши ва тарихий фожиаларидан сабоқ чиқаришга даъват этади.

Социологик метод бадий асардаги қаҳрамоннинг ижтимоий масъулиятини таҳлил қилишни талаб этади. Адабиётшунос олим ва ёзувчи Улуғбек Ҳамдам айтганидек “...ҳар қандай яхши шеър марказида ўзининг қувонч ва ташвиши, орзу ва армони билан Инсон туради”³. Жалололдин — оддий инсон эмас, у давлат раҳбари, салтанат эгаси. Муаллиф қаҳрамон тилидан унинг ижтимоий мавқеи ва халқ олдидаги масъулиятини мана бундай ифодалайди:

“Қилич серпаб, довулдек елиб,
Кўп жонларни адо қилдим мен.
Салтанатда дунёга келиб,
Балки, мудҳиш хато қилдим мен”.

Бу ерда ҳукмдор ва жамият ўртасидаги узвийлик кўринади. Жалололдиннинг шахсий изтироби — бу бутун бир жамиятнинг, давлатнинг инқирози билан боғлиқ. Шоир қаҳрамонни идеаллаштирмайди, балки унинг жамият тақдири олдидаги масъулиятини, урушнинг ижтимоий вайронкорлигини фожиавий руҳда кўрсатиб беради.

Муаллиф мўғул босқинчиларини жамият организмига ёпишган тиббий иллат — “даф бўлиши” керак бўлган куч сифатида талқин қилади:

“Ишонаман, эртами-кечми,

²Белинский В.Г. Адабий орзулар. Адабий-танқидий мақолалар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 99-б.

³ Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърляти. Монография. Тошкент, 2012. 30-бет.



Даф бўлади юртдан мўғуллар.”

Бу сатрлар орқали жамиятнинг эркинлик ва истиқлолга бўлган ижтимоий интилиши, тарихий адолатга бўлган ишончи ифодаланган.

Шеърнинг якуни ижтимоий психология нуқтаи назардан жуда аҳамиятли:

“Жанг тўхтади. Олар барча тин.

Лаб теккизди отим майсага.

Мен ҳоридим. Сал-пал чарчадим.

Суянаман бирпас найзага ”.

Бу ердаги “чарчоқ” фақат физиологик эмас, балки ижтимоий-психологик чарчоқдир. Узоқ йиллик урушлар, ижтимоий беқарорликдан чарчаган халқнинг ва унинг етакчисининг тинчликка, осойишталикка бўлган эҳтиёжи ушбу бандда найзага суяниш рамзи орқали юксак бадийлик билан ифодаланган.

Матназар Абдулҳакимнинг “Жалолиддин” шеърини социологик метод асосида ўрганиш шуни кўрсатадики, асар шунчаки ўтмиш воқеаларининг баёни эмас. У XX аср охиридаги ўзбек жамиятининг миллий ўзликни англаш, тарихий адолатни тиклаш ва мустамлакачилик оқибатларини енгишга бўлган ижтимоий интилишларини акс эттирган кучли ижтимоий-шеърый ҳужжатдир. Шоир Жалолиддин образи орқали жамиятга ватанпарварлик, миллий ғурур ва ижтимоий масъулият ғояларини сингдиришни мақсад қилган.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет манбалари:

1.Белинский В.Г. Адабий орзулар. Адабий-танқидий мақолалар. – Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 264 бет.

2.Жабборов И. Абдулла Орипов шеърлятида тарихий шахс талқини. – Тошкент: Фан, 2008. – 94 б.

3.Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент, 2011. – 88 бет.

4.Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар. 1-жилд : шеърлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 328 бет.

5.Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. – Тошкент, «Шарқ», 2004. – 640 бет.

6.Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: Фан, 2007. – 260 бет.

7.Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърляти. Монография. – Тошкент, 2012. – 250 бет.

Интернет сайтлари:

8.Ziyouz.com

9.www.kh-davron.uz

10.www.wikipediya.org